


III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–март ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5853,7 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 122,5 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари, фоизда
(январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Сергели тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 21,3 % ўзлаштирилди.

Шунингдек, Миробод тумани жами инвестициялар ҳажмидан 13,7 %ни, Юнусобод тумани 11,7 % ни ташкил этмоқда.


Яшнобод ва Олмазор туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,9 ва 8,8 % ни ташкил этди.

Учтепа ҳамда Бектемир туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг шаҳардаги улуши 3,3% ва 1,9%ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича тақсимланиши**
(январь-март)


	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан улуши, % да
Асосий капиталга инвестициялар	5 853,7	122,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	520,9	459,6	8,9
бюджет маблағлари	437,1	431,8	7,5
Давлат мақсадли жамғармалари	19,9	-	0,4
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	2,5	-	-
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	61,4	507,5	1,0
Марказлашмаган инвестициялар:	5 332,8	114,8	91,1
корхона маблағи	2512,9	106,3	42,9
аҳоли маблағи	447,0	117,9	7,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	517,4	174,5	8,8
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1855,5	115,7	31,7

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга
инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда**




Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 мартага ёки 520,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 8,9 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5332,8 млрд. сўм ёки 114,8 % (жами инвестициялардаги улуши 91,1 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари




Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 47,1%), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (34,8 %) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби жамига нисбатан, фоизда (январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида уй-жой қурилиши етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1503,1 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 25,7 % ўзлаштирилган. Кейинги ўринда саноат тармоғи бўлиб жами молиялаштириш манбаи ҳисобидан 1251,3 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 21,4 % ўзлаштирилган.

Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш 228,3 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 3,9 %);

- Озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 204,5 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 3,5 %);

- Бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш 124,1 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2,1 %).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 45,6 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 48,8 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 5,6 % ни ташкил этди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби

(январь-март)

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	5853,7	585,9	5 267,8
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Курилиш – монтаж ишлари	45,6	69,1	43,0
Машина, ускуна, инвентар	48,8	25,5	51,3
Бошқа харажатлар	5,6	5,4	5,7

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби *фойзда*

(январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Курилиш – монтаж ишларининг бўйича Сергели туманида 85,1 % ни, Чилонзор туманида 52,6 % ни, Яшнобод туманида 44,6 %ни ҳамда Юнусобод туманида 36,9%ни ташкил этди. Машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар бўйича Бектемир туманида 74,5 % ни, Яккасарой туманида 74,3 % ни, Олмазор туманида 69,7% ни ҳамда Миробод туманида 63,4%ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби *фоизда*
(январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида: Янги қурилиш бўйича Сергели туманида 85,3 % ни, Миробод туманида 57,6 % ни, Чилонзор туманида 44,3 % ни ҳамда Шайхонтоҳур туманида 40,1%ни ташкил этди. Кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайтақуроллантириш бўйича Яккасарой туманида 47,3 % ни, Учтепа туманида 38,2 % ни, Олмазор тумани 36,3% ни ҳамда Бектемир ва Яшнобод туманларида 32,6%ни ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар
(январь-март)

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018й.	2019й.

Асосий капиталга инвестициялар - жами	5853,7	100,0	100,0
--	---------------	--------------	--------------

Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	15,8	0,2	0,3
---------------------------------	------	-----	-----


	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018й.	2019й.
Тоғ - кон саноати	23,3	0,2	0,4
Ишлаб чиқариш саноати	1251,3	20,7	21,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	40,8	0,7	0,7
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	31,5	1,8	0,5
қурилиш	422,6	2,9	7,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	411,4	8,4	7,0
Ташиш ва сақлаш	558,3	6,7	9,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	116,8	1,0	2,0
Ахборот ва алоқа	419,8	3,2	7,2
Молия ва суғурта фаолияти	130,8	8,6	2,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	140,4	3,3	2,4
таълим	72,6	0,6	1,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	180,2	2,2	3,1
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	1503,1	25,4	25,7
Бошқа фаолият турлари	535,0	14,1	9,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 23,3 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 0,4%), шу жумладан хом нефт ва табиий газ казиб чиқариш фаолият турида 0,3 млрд.сўм, ишлаб чиқариш саноатида 1251,3 млрд.сўм (21,4%), шу жумладан

озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 204,5 млрд.сўм (3,5%), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 157,4 млрд.сўм (2,7%), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 64,8 млрд.сўм (1,1%), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 124,1 млрд.сўм (2,1%), тайёр метал маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатида 110,0 млрд.сўм (1,9%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 40,9 млрд.сўм, (0,7%), қурилиш фаолияти турида 422,6 млрд.сўм (7,2%), ташиш ва сақлаш фаолият турида 558,3 млрд. сўм (9,5%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 411,4 млрд.сўм (7,0%), ахборот ва алоқа фаолият турида 599,1 млрд сўм (2,7%), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 419,8 млрд. сўм (7,2%), таълим соҳасида 72,6 млрд.сўм (1,2%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 535,0 млрд.сўм (9,2%) инвестициялар ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, фоизда

(январь-март)



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2019 йилнинг январь-мартда 578,8 млрд.сўм ёки 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 187,5 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 9,9 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Миробод туманида 41,4 %, Чилонзор туманида 32,3 %, Шайхотохур туманида 12,5 % кузатилди.

Тошкент шаҳрида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар

(январь-март)

(млрд.сўм)

	Жами инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:	
		инвестиция	кредит		инвестиция	кредит
Тошкент ш.	578,8	477,1	101,7	517,4	477,1	40,3
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	-	-	-	-	-	-
Мирзо Улуғбек	36,1	36,1	-	36,1	36,1	-
Миробод	239,5	202,2	37,3	239,5	202,2	37,3
Олмазор	2,9	-	2,9	2,9	-	2,9
Сергели	6,0	6,0	-	6,0	6,0	-
Учтепа	2,4	2,4	-	2,4	2,4	-
Чилонзор	187,1	180,6	6,5	180,6	180,6	-
Шайхонтохур	72,4	17,5	54,9	17,5	17,5	-
Юнусобод	10,5	10,5	-	10,5	10,5	-
Яккасарой	2,1	2,1	-	2,1	2,1	-
Яшнобод	19,8	19,7	0,1	19,8	19,7	0,1

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш

(млн. АҚШ долл.)



Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-мартда 578,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 187,5 % ни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, фоизда



Куйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: ахборот ва алоқа фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 34,2 % ни ташкил этиб (12,7 % пунктга), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишга 13,5 % ни ташкил этиб (10,3 % пунктга) кўпайди.

Шу билан бирга, куйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: Ишлаб чиқариш саноати фаолият тури 13,7 % ни ташкил этиб (16,3 % пунктга), ташиш ва сақлаш 1,3 % (1,3 % пунктга) камайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши


Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 187,0 минг кв.м, бўлган 803 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Юнусобод туманида ишга туширилган 36,7 минг кв.м. ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 19,6 %ини ташкил этди. Кейинги ўринларда Яшнобод, Учтепа туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 12,7 % ва 12,0 % ни ташкил этишган.

Қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь-мартда 2158,8 млрд. сўм ёки 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 115,7 % қурилиш ишлари бажарилди.



Туманлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръати *фоизда*
(январь-март)




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Яшнобод туманида 117,8 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 6,4% пунктга кўпайди, мос равишда, Шайхонтохур туманида 117,1 % (6,1 % пункт), Миробод туманида 116,6 %, Мирзо Улуғбек туманида 116,5 % ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2 016,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,4 фоизни (2018 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 113,6 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари (млрд.сўм)




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 61,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 21,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 16,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 74,4 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг январь-мартда 6304 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 мартага кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан-54,4 %), саноат тармоғида (13,8 %), қурилиш тармоғида (7,3 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (5,2 %), ташиш ва сақлашда (2,8 %) ташкил этилган.

2019 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2019 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6740,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 68,3 %) ёки 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 103,5 % ни ташкил қилди;


– 2986,4 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 51,0 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 122,5 % ташкил қилди;

- 1466,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,9 %) ва 2018 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 112,6 % ни ташкил қилди;
- 6254,1 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 48,1 %) 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 61,6 % ёки 4546,3 млрд. сўми (ўсиш суръати 109,3 % ташкил қилди) шакллантирилди;
- 155,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,1 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 161,1 млн. АҚШ долларига ёки 23,8 % га кўп;
- автомобиль транспорти юк айланмасининг 103,0% га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 66,9%) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айланмаси эса 102,7 % га (умумий йўловчи айланмасининг 76,3 %) кўпайиши таъминланди;


Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд.сўмда)

Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Яшнобод тумани (928,2 млрд.сўм), Олмазор тумани (885,2 млрд.сўм), Чилонзор тумани (669,2 млрд.сўм) ва Юнусобод тумани (653,7 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Миробод туманида (492,4 млрд.сўм), Яккасарой туманида (475,7 млрд.сўм) ва Бектемир туманида (430,3 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-мартда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати фоизда




2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Чилонзор тумани (686,4 млрд.сўм), Учтепа (667,5 млрд.сўм), Юнусобод (569,6 млрд.сўм), Шайхонтохур (563,6 млрд.сўм) ва Бектемир (488,7 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қурилиш соҳаси улуши



Худудлар бўйича энг кўпроқ қурилиш соҳаси улуши ҳажми Чилонзор тумани (227,1 млрд.сўм), Мирзо Улуғбек тумани (202,5 млрд.сўм), Яккасарой тумани (185,2 млрд.сўм) ва Яшнобод тумани (176,8 млрд.сўм) Миробод туманида (147,8 млрд.сўм), Олмазор туманида (141,7 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Юнусобод туманида (136,9 млрд.сўм) Сергели туманида (134,2 млрд.сўм) Учтепа туманида (88,5 млрд.сўм) Шайхонтоҳур туманида (22,4 млрд.сўм) ва Бектемир туманида (3,1 млрд.сўм) ушбу қурилиш соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.


2019 йил январь-мартда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да инвестиция соҳаси улуши



Худудлар бўйича энг кўпроқ инвестиция соҳаси улуши ҳажми Юнусобод тумани (429,2 млрд.сўм), Олмазор тумани (411,4 млрд.сўм), Чилонзор тумани (401,2 млрд.сўм) ва Мирзо Улуғбек тумани (367,8 млрд.сўм) Яшнобод туманида (324,5 млрд.сўм), Сергели туманида (231,5 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Яккасарой туманида (213,0 млрд.сўм) Шайхонтохур туманида (206,8 млрд.сўм) Миробод туманида (172,0 млрд.сўм) Учтепа туманида (122,4 млрд.сўм) ва Бектемир туманида (106,6 млрд.сўм) ушбу инвестиция соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-мартда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Худудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Шайхонтохур туманида (772,8 млрд.сўм), Юнусобод (736,9 млрд.сўм), Чилонзор (694,5 млрд.сўм), Мирзо Улуғбек (686,9 млрд.сўм) ва Миробод (637,1 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Ҳизматлар</i>
Тошкент шаҳри	68,3	67,9	48,1
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	64,2	4,9	96,6
Мирзо Улуғбек	50,5	66,6	51,0
Миробод	47,2	38,1	30,9
Олмазор	88,6	96,4	72,1
Сергели	79,5	99,9	46,0
Учтепа	92,7	97,4	85,7
Чилонзор	75,9	80,2	53,3
Шайхонтохур	48,0	12,3	56,7
Юнусобод	85,0	68,9	32,8
Яккасарой	94,2	97,9	66,6
Яшнобод	62,6	99,3	34,4

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Яккасарой туманида (94,2 %), Учтепа туманида (92,7 %), Олмазор туманида (88,6 %), Юнусобод туманида (85,0 %), Сергели туманида (79,5 %) ва Чилонзор туманида (75,9 %) ташкил этади.

Қурилишда Сергели (99,9 %), Яшнобод (99,3 %), Яккасарой (97,9 %), Учтепа (97,4 %) ва Олмазор (96,4) туманлари ташкил этади.

Ҳизматлар соҳасида Бектемир (96,6 %), Учтепа (85,7 %) ва Олмазор (72,1 %) туманлари ташкил этади.


2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши 60,4 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-мартида 62,4 %). ЯХМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил 1 чорак яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 554 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 6,7 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 73,3 % эса қоникарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида 8,8 % ва 65,6 %, хизматлар соҳасида 6,2 % ва 68,5 %, саноатда 8,2 % ва 67,1 %ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда 24,7%, қурилишда 20,0 %, хизматларда 25,3% ва савдода 25,6 %ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш 2019 йил I чорак учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойда саноат корхоналари яхшиланиши 48,2 %, ўзгаришсиз 43,5 %ни, ёмонлашиш эса 8,2 % ни, савдо – яхшиланиш 57,6 %, ўзгаришсиз 31,3 %, ёмонлашиш 11,1 %, хизматларда яхшиланиш 54,3 %, ўзгаришсиз 36,4 %, ёмонлашиш 9,3 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 66,7 %, ўзгаришсиз 28,9 %, ёмонлашиш 4,4 % кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истикқболини яқин уч ойда баҳоляниши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўриляётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истикқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоляётганлигини хулоса қилиш мумкин.